


РАУФ ТОЛИБ

ЭШИТМАДИМ



ДЕМАНГЛАР

шеър
ва эртаклар



Тошкент

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети

«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти

1983

Урмонда турли ҳайвонлар яшайди. Улар бир-бирига сира ўхшамайди. Ҳаммаси ҳар-хил. Масалан, жирафанинг бўйни жуда узун. Хўш, нега? Қадим замонларда жирафа чақимчи бўлган экан. Бир индан бир овоз чиқса, дарров панага ўтиб, бўйинини чўзиб қулоқ тутаркан. Дарахтда қушлар нима ҳақда сўзлашяпти, тагин беҳабар қолмай, деб шохларга бўйинини чўзиб қараркан. Шундай қилиб, жирафанинг бўйни чўзилиб кетган экан. Ёки қуён нега шалпангқулоқ? Тасқара нега масхара? Тошбақа нима учун имиллаб юради? Бўри нега очкўз? Тулки нега айёр? Тўпلامдан жой олган бир қатор масал ва эртакларда бу саволларга жавоб берилган.

Шунингдек, тўпلامдан она-Ватанга меҳр, илм-ҳунарга ихлос, ахлоқ-одоб ҳамда ўқувчиларнинг орзуниятларини акс эттирувчи шеърлар ҳам ўрин олган.

Тақризчи - Мирозиз Аъзам

© «Еш гвардия» нашриёти, 1983.



ҚАНДАЙ ГҮЗАЛ БУ ОЛАМ

Яшарар, яшнар олам,
Жило берар ўзига.
Ҳаттоки майсалар ҳам
Бошқачадир кўзимга.
Ҳадя этади боғлар
Менга бир олам қўшиқ.
Шамол мени қучоқлар:
— Юр, — дер, — мақсадга ошиқ!
Урилиб тошдан-тошга
Оқади тоғ сувлари.
Йўқ, у қалбимдан тошган
Ҳисларим, туйғуларим.
Чорлайди қучоғига
Жилва қилиб бу ҳаёт.
Югураман, чопаман
Орзудан боғлаб қанот.
Билдим, интилиш, излаш —
Ҳаётимнинг мазмуни.
Дўстларим — ҳамроҳ, сафдош,
Юрагимнинг устунни.
Уфқлар очар қучоқ,

Таъзим этар тоғлар ҳам.
Қандай яхши яшамоқ,
Қандай гўзал бу олам!

ЯШАШ ЗАВҚИ

— Табиат — сирли жумбоқ,
Тушуна олмайман ҳеч.
Югурар, чопар ирмоқ,
У қаердан олар куч?
— Билки, тошқин сувларнинг
Завқи сиғмас ичига.
Улкан ўй-орзулари
Куч қўшади кучига.
— Шамоллар олға чопар,
Қизиқ, қувларми биров?
— Уни кутар қанча иш,
Бўлмас бормаса дарров.
— Гуллар ҳам алвон-алвон,
Нега бу чирой, ҳусн?
— Инсон дилин қувнатай,
Деб яшайди туну кун.
— Қизиқ-а, митти гиёҳ
Тешиб ўсади тошни?
— Керак қандай интилмоқ,
Кўрсатар у яшашни.
— Ўрик гуллабди оппоқ,
Ёқмасми дил ҳавасин?
— Бу яшашга иштиёқ,
Бу ҳаётнинг нафаси!
Ғайратдан, ҳаракатдан
Тўлишиб, яшнара олам.
Не учун табиатдан
Ибрат олмасин одам?

ОФТОБ БОБО

— Қаримас нега офтоб,
Нега нури бўлмас соб?
— Офтобнинг бағри кенг,
У ҳаммани кўрар тенг,
Ҳатто кичик майса ҳам
Нуридан кўрар баҳам.
Қалбида сўнмас қўр бор,
Офтоб эмас зиқна, тор.
Офтобда катта тилак,
Шунинг-чун жойи юксак.
Оламга сочиб қўрин,
Улашар меҳр нури.
Ниятига яраша
Шуъласи қайнаб тошар.
Тинмай сочса ҳам, қара,
Нури камаймас зарра.
Қуёш маъноси — меҳр,
Меҳр тугарми, ахир?
Сахийдир,
Шунинг учун
Офтобнинг умри узун!

БОЛАЛАР ҚУЛГАНДА

Кулинг, ўйнанг, эй, болалар,
Сизга ярашар кулгу.
Кулмагани ҳам кулдилинг,
Солиб қалбларга ғулу.

Сиз кулсангиз,
Кулиб олам
Ешлигини кўз-кўзлар.
Сиз кулсангиз, бўлиб кўклам,
Далалар, боғлар сўзлар.

Сиз кулсангиз, чаманларда
Гунчалар ҳам юз очар.
Сиз кулсангиз, осмонларда
Каптарлар ўйнаб учар.

Сиз кулсангиз, шўх кулгунгиз
Офтобдай сочар зиё.
Сиз кулсангиз, уфқ кенгаяр,
Шуълага тўлар дунё.

Жаҳонлардан-жаҳонларга
Туташар овозингиз.
Ўхшар тошқин уммонларга
Қувноқ, шўх чуввосингиз.

Сиз кулсангиз, чекинажак
Ер юзидан қайғулар.
Сиз кулсангиз, кулажакдир
Порлоқ умид, орзулар.

ШУҲРАТ ЧИЗГАН СУРАТЛАР

Рассом жияним Шуҳрат
Чизибди талай сурат.
— Айт-чи, нега дарахтнинг
Оёғи бор, бу не сир?
— Дарахт ҳам одамлардай
Юрсин, яйрасин ахир!
— Жуда қизиқ, осмонда
Нега иккита қуёш?
— Қуёш зерикар ёлғиз,
Ясадим унга йўлдош.
— Нега бу чол соқоли
Узун, кўкракдан ошган.
— Биласизми, бу бобо
Қирган икки юз ёшга.
— Хув, шохдаги қайси қуш? —
Кўриб мен ҳайрон яна.
— Вой, акажон, шуни ҳам
Билмайсизми, бедана!
— Бедана дарахтдамас,
Тўрқовоқда туради.
— Йўқ, энди бундан буён
Эркин, яйраб юради.
— Ия, тулкини қаранг,
Нега қўлтиқтаёқда?
— Товуқхонага кириш
Энди унга қаёқда?
Шуҳрат чизган суратлар —
Ширин орзу-ниятлар.

ЯХШИНИНГ ДУСТЛАРИ КҮП

— Қанақа бола Адҳам?
— У менинг яқин ошнам.
Вақтин аямай ҳечам
Дарслардан берар ёрдам,
Тушунтирар бирма-бир...
Аълочиман мен ҳозир.
— Бултур ёзда қурдик уй,
Иш қайнаб кетди, вой-бўй.
Билмам, қайдан эшитган,
Кириб келди эшикдан.
Дам олмай қилди меҳнат,
Ҳаммадан олди раҳмат.
«Дўстинг қалай?» деб дадам,
Эслайдилар ҳали ҳам.
Қатта қарздорман ундан
Қайтарай яхши кунда.
— Дўстлар, гапирай мен ҳам,
Ажойиб бола Адҳам.
Бўлганимда мен касал,
Унутмаган ҳеч маҳал.
Кун ора сўраб кўнгил,
Дардимни қилди енгил.
— Адҳамнинг кўли очиқ,
Шунинг-чун йўли очиқ.
Нима сўрасанг келиб,
«Хўп», дейди Адҳам кулиб.
— Қанақа бола Салим?
Ҳамма бўлиб қолди жим.
Қимнинг яхшилиги кўп,
Уша дўстга бойдир хўп.

ШАМОЛ — СИНОВ

Қутураp шамол
Эгмай ҳеч бўйин.
Дарахтни қоқиб
Бошлади ўйин.

Хом олма ерга
Тўкилди дув-дув.
Боқиб ачиндим:
— Эсиз, увол-ку!

— Шамол ўз ишин
Яхши билади.
Дарахтларни у
Синов қилади.

Олма бекорга
Тўкилмас, жўра.
Бари буришқоқ,
Қурт еган, қара.

Қимки мужмағил,
Бўлса жони бўш,
Сал титратса ел
Қилар хайр-хўш.

Қимки, оғайни,
Ярар курашга.
Чўчимас, енгар,
Ҳақли яшашга.



ЭРТАҚЛАРГА ИШОНИБ...

Эшитдимки, қизиқ, ажаб
Эртақ буткул ёлғонмиш.
Боболардан, момолардан
Бизга мерос қолганмиш.

Бир ён ботир паҳлавонлар,
Жодугарлар бир томон.
Ўртада-чи, кураш борар,
Жанг қизиб ётар ҳамон.

Ишонаман, кўк денгизда
Уша олтин балиқ бор.
Одамларнинг ҳожатини
Чиқазиб у бахтиёр.

Шаҳарларни, қишлоқларни
Кезиб юар сеҳргар,
Олам анча қашшоқлашар
Сеҳргар бўлмаса гар.

Эртақлар бор,
Бор оламда
Қудратли, сеҳрли куч.
Бу — қуёшдир, бу — она ер,
Бу — сувлар,
Қаримас ҳеч.

Кимки ўғри, ким муттаҳам
Олади жазосини,
Ичи қора жодугар ҳам
Топади қазосини.

Эртақларни бобожонлар
Айтишган дилда ҳавас.
Бобожонлар, моможонлар
Бизни сира алдамас.

Эртақларсиз,
Мўъжизасиз
Олам қандай хунукдир?
Хаёл билан, орзу билан
Одамлар ҳам тирикдир.

ОНА ЧУМЧУҚ ВА БОЛА ЧУМЧУҚ

Дон топиб она чумчуқ,
Дер «чириқ-чириқ».
Хурсанд, сиғмас оламга:
— Элтай боламга!

Дон топиб бола чумчуқ
Дер «чириқ-чириқ».
— Келмасдан шерик-ўртоқ,
Еб олай тезроқ!

НОДИР «ҲОЗИР»

Битта гап айтсанг Нодир,
Дер нуқул: — Ҳозир, ҳозир!
— Ҳой, чойни дамла, Нодир!
— Хўп, ада, ҳозир, ҳозир!
Нодирвой боргунча то
Сув қайнаб бўлар адо.
Бир куни бўлди қизиқ,
Чақириб келди Розик:
— Буёққа чиқ, ҳой, Нодир
Нодир уйдан дер: — Ҳозир!
Кутгач нақ ярим соат
Розикда тугар тоқат.
Жўнаб қолди у шу чоғ...
Нодир чиқса йўқ ҳеч зоғ.
У бошин лиқиллатди:
— Қим мени лақиллатди?
— Қаёқдасан, Нодир, ҳой,
Гўшти музхонага қўй.
Одатдагидек Нодир,
Дер эди: — Ҳозир, ҳозир!
Вақтни ғанимат билиб,
Мош гўшти кетди илиб.
Кинони бўлгач кўриб
Ошхонага дер кириб:
— Тополмадим ҳеч жойдан,
Ойи, гўштингиз қайда?
Шунақа бизнинг Нодир,
Жуда бамайлихотир.

ИНТИЛИШ

Омон бўлинг, менинг дўстларим,
Сиз очдингиз кўзимни.
Мен дунёни англаган сари
Англяпман ўзимни.

Мен билмайман недир қаноат,
Йўллар фикримни тортар.
Қучган сари муваффақият,
Ишга ташналик ортар.

Чунки, ҳар бир олқиш, мақтовлар
Бурч юклар,
Юклар ишонч.
Таскин бермас шодлик, алдовлар,
Ишнинг сўнггида — қувонч

Мен ўзимдан эмасман мамнун,
Мен ўзимдан норизо.
Бир орзуга эришсам бугун
Эрта бошқаси пайдо.

Интиламан,
Доим недир кам,
Доим юракда ғулув.
Агар ёқса ўзига одам,
Ёқмас бошқаларга у.



АЙИҚНИНГ ХАЕЛИ

Қаранг, айни баҳор маҳал
Айиқ бўлиб қолди касал.
Хаёл суриб ўйлар эди,
Ўз-ўзига сўйлар эди:

— Шунча юриб эҳ, мен — маймоқ
Орттирмапман битта ўртоқ.
Чин ўртоғим бўлса агар
Олар эди мендан хабар.
Айиқ ҳолдан тойиб бутун,
Ётиб қолди икки-уч кун.
Айиқ ўйлар: — Ҳа, ҳар қалай,
Танишларим бор-ку, талай!
Айтганча бобоқ хўроз,
Танир эди мени бир оз.
Туйнугимдан аста боқиб,
Кеб қолса-я, қанот қоқиб.
Утганимда уён-буён
Салом-алик қилган қуён.
«Нега Айиқ тоғам йўқлар?»
Дея балки келар йўқлаб.
Бир кўрганда мени Така
Деган эди:— Ака, ака!
Қани, мени эслаб зора,

Қасалимга қилса чора.
Тулки ҳам бор, ҳушёр, огоҳ,
Бўлган бултур менга ҳамроҳ.
Эвқат излаб икков бирга
Чиққан эдик дала, қирга.
Айиқ, ётар йўлга боқиб,
Биров келмас эшик қоқиб.
Бўлгунича кўп танишинг,
Бўлсин битта яқин кишинг.

ДЕНГИЗ ВА ШАМОЛЛАР

Тўлқинлар бўлиб тоғ-тоғ,
Қутириб ётар денгиз.
Мақтангиси келиб гоҳ
Шамолга очар оғиз:
— Мен денгизман, оламда
Энг кучли, энг паҳлавон!
Бир ҳаракат, шарпамдан
Дунё тўс-тўс тўполон.

Хўш, оламда нима бор,
Мендай чексиз, мендай кенг.
Қандай куч,
Қандай қудрат,

Келар экан менга тенг?

— Ҳой, денгиз, қулоқ тутгин,
Бордир сенга саволлар.
Қалбингга солган тўлқин
Эмасми биз, шамоллар?

Мудраб ётсанг туну кун
Суриб ширин ўй-хаёл,
Бўлармидинг сершиддат
Алпқомат девлар мисол.

Денгиз, улкансан роса,
Беқиёсдир қудратинг.
Бироқ, шамол бўлмаса,
Қайнарми куч-ғайратинг?

ИККИ ПУЛ

Қулоқ тутайин Чинми,
Ёки Ёлғонга.
Иккиси бошлар мени
Икки томонга.

Ёлғон сўзлари билан
Аврайди Ёлғон:
— Менинг сўзимга кирсанг,
Яшаш ҳам осон.

Қалин қилиб олсанг, бас
Икки бетингни.
Ўйлаб ўтирма сира
Ишнинг кетини.

Биров агар йўлингга
Бўлса тўғаноқ.
Аста енгидан кириб
Роса мақтаб боқ.

Чўчиб юрмагин сира,
Қилсанг ҳам нуқсон.
Гап шу: қилган ишингдан
Тониб тургин, тон!

— Ўйлаб кўргин, — деди Чин, —
Учиб найрангга,
Бир кун эмас, бир кун
Дейсан: — Аттанг-га!


Айбларингни юзингга
Айтаман очиқ.
Тўғри сўз ёқмас сира,
Бўлади аччиқ.

Мени десанг на тинчлик,
На роҳатинг бор.
Изланасан токи ҳақ
Топгунча қарор.

Ҳаёт эмас бир текис,
Яшамоқ қийин.
Мендан хурсанд бўласан,
Оғайни, кейин.

Қулоқ тутайин Чинми,
Ёки Ёлғонга,
Иккиси бошлар мени
Икки томонга.





ҚОР НИМА ДЕР?

Ёмғир сўзлайди Қорга:
— Ғайратинг борми сира?
Ётибсан сен бекорга
Ер бетин қилиб хира.

— Бир замонлар, эй, Ёмғир,
Мен ҳам сендай шўх эдим.
Дарёларда қилиб сайр,
Ғам-ташвишим йўқ эди.

Сел эдим, танамда куч,
Уйнаб, чопиб оқардим.
Аёзга келдиму дуч
Соч-соқолим оқарди.

Аёз ҳужум қилди кўп
Мени қийнаш қасдида.
Эзилдим, янчилдим хўп,
Ётдим оёқ остида.

Тошмоқ истадим мен ҳам,
Дилда сурон, ҳайқириқ.
Бўлди ишларим фақат
Оби-ҳавога боғлиқ.

Ётдим мен меҳрга зор,
Гўё минг йиллик бетоб.

Эрирман, келиб баҳор
Елкамга тегиб офтоб.

Мени ҳам сафинга қўш,
Жўшар дилда ғайратим.
Тўлқинларга уриб тўш,
Оқмоқ эзгу ниятим.

ЖИРАФАНИНГ НЕ УЧУН БУЙНИ УЗУН?

Барча ҳайвонлар хафа,
Гап таширмиш Жирафа.
Уни-бунга чақармиш,
Хуморидан чиқармиш.
Бир индан чиқса овоз
Жирафа дер: — Бўлди соз!
Аста чўзиб бўйнини,
Тинглар эмиш қўшнини.
— Битта гап бўлса агар,
Қолмай тагин беҳабар?
Айиқполвон ва бўрсик,
Не ҳақда сўзлар, қизиқ?
Дарров панага ўтиб,
Турар қулоғин тутиб.
Сўнг ўйлар: «Ахир, инда
Қушлар ҳам сўзлар, индар.
«Тўқ, тўқ» деб Қизилиштон
Бўшамас нечун ишдан?
Қани, нима гап ўзи?»
Дер шохга бўйнин чўзиб.
Бўйнини чўзиб, чолиб,
Юрар доим гап топиб.
Ҳар кун чўзилиб кам-кам.
Ўсиб кетди бўйни ҳам.
Билгандирсиз, не учун
Жирафа бўйни узун?!

«АҚЛЛИ» АКА

Ниҳол шохини
Синдирди Садир.
Дер жаҳли чиқиб
Акаси Қодир:

— Эй, ука, сенда
Инсоф борми ҳеч?
Шу ёш ниҳолга
Кўрсатдингми куч?

Қилса ҳам гуноҳ,
Садир келмас бўш.
— Синса синибди,
Сизга нима, хўш?

— Укам, қўлингдан
Келса эк кўчат!
Мўл бўлар, ахир,
Юртда ноз-неъмат.

— Бас, менга ақл
Ургатманг, ака.
— А, нима дединг?
Шошмай тур, ука.

Қодир ниҳолни
Шартта суғириб,
Садир ортидан
Кетди югуриб.

НИМА ШИРИН, НИМА АЧЧИҚ?

— Дунёда ширин нима,
Айт-чи, синглим Қарима?
Бир оз ўйлаб туриб у,
Деди: — Энг ширин уйқу!
Фарҳодга келгач навбат,
Деди: — Энг ширин новвот.
Дилбар дер: — Ширин асал.
— Яқинлашмадинг лоақал.
Синглим, шуни яхши бил,
Дунёда энг ширин — тил.

— Дунёда нима аччиқ?
Ким билса, айтсин очиқ.
— Дори аччиқ, — дер Али.
— Хом олма, — дейди Вали.
— Менимча, — дер Баҳодир, —
Энг аччиқ, бу — қалампир.
— Ўзим айтиб берай, кел,
Дунёда аччиқ ҳам — тил.

ПОЛВОНЛАР

Тўлан билан Омонлар
Энг кучли паҳлавонлар.
Бири анча новчароқ,
Бири эса бақалоқ.
Бугун кураш бўлар зўр,
Биламиз ким зўр, ким гўр?
Икковлон синашар куч,
Кела қолинг, қолманг кеч.

Ўртага тушар Тўлан
Минг турли хаёл билан.
«Мендан кичкина Омон,
Лекин чинакам полвон.
Унга кучим етарми,
Ё у енгиб кетарми?»
Кучга тўлиқ билаги,
Лек пўкиллар юраги.
Курашга тушмай олдин
Тўлан енгилиб қолди.
Бошини эгиб яна,
Даврадан чиқди, мана.

Ўртага чиқар Омон,
Ўзин сезиб паҳлавон.
Ўзи кичкина, лекин
Юриш-туриши кескин.
«Оғайним Тўлан бир оз,
Майли бўлса ҳам дароз,
Енгаман бошқа тап йўқ».
Омонвой — отилган ўқ.
Кучига қўшилар куч,

Сўзидан ҳам қайтмас ҳеч.
Ваҳима ортда қолиб.
Бу гал ҳам чиқди голиб.
Қимдаки ишонч тўлиқ —
Бу демак — ярим ютуқ.

Бугун кураш бўлди зўр,
Билдингиз ким зўр, ким ғўр?

ОДОБЛИ БОЛА

Қаттакон Олапарга
Аббоснинг тушиб кўзи,
Ўтакаси ёрилиб
Оқариб кетди юзи.

Эгаси буни кўриб
Деди:— Қочмагин, ўртоқ.
Тишламайди у ахир,
Бунча бўлмасанг кўрқоқ?

Итдан кўзини узмай,
— Ундай эмас, — дер Аббос. —
Мен одобли боламан,
Итга йўл бердим, холос.

КУЗ ОФТОБИ

Ҳайронман, нима учун
Хира нур сочар офтоб?
Офтоб қолдими қариб,
Ё нури бўлдими соб?

Гапимга боғбон тоғам
Кулиб қилдилар жавоб:
— Офтоб қаримас ҳечам,
Нур булоғи беҳисоб.

Ўғлим, қара, товланиб
Боғлар ёнар, чарақлар.
Япроқлар оловланиб
Кўзни олар, ярақлар.

Жийдада қўр, шуъласи,
Товланар олтин узум,
Олмада нур жилваси.
Олма — қуёшнинг ўзи.

Ана, чаманларга кир,
Унда ранглар тошқини.
Алвон-алвон гулларда
Нурларнинг рақс, чақини.

Сен офтобни осмондан
Излаб бўлмагин хуноб.
Анорзорлар ичига
Бекингандир офтоб.

Меҳнаткаш деҳқонга боқ,
Чеҳрасида қуёш бор.
Ишлаб, билмаган чарчоқ,
Кўзларда нур, оташ бор.

— Билдим, билдим офтобни
Бутун қуввати, кучи
Боғларга, одамларга
Ўтган экан-да кўчиб.

ҚАЙДАСИЗ, ОДАМЛАР?

Тонгда ўрнимдан турсам,
Қаранг, ҳеч ким йўқ уйда:
На бувим бор, на укам,
Мен ҳайрон қолдим жуда.

Ҳар кун эрталаб, қизиқ,
Уйғотардилар ойим.
Дастурхон бўлар ёзиқ,
Нонушта тайёр доим.

Куйса ҳамки юз-кўзим,
Пиширай девдим қуймоқ.
Кўринмас ҳатто тухум,
Кўринмас идиш-товоқ.

Вақт тифиз, на илож,
Арзимни тинглайди ким?
Папка қўлда, қорним оч,
Кўчага чиқаман жим.

Ҳар кун шошиб, ғувиллаб
Йўловчилар ўтарди.
Бола-чақа чувиллаб,
Мактабига кетарди.

Бугун жимжит ҳаммаёқ,
Кўринмас қўшнилар ҳам.
Бийдай сахро сингари
Ҳувиллар эди олам.

Хиёбонлар ҳам бўм-бўш,
Кўчалар бунча хунук?

Дарахтлар боқар хомуш,
Сувлар жим, гуллар сўник.

Ҳеч нарсага тушунмай
Боқаман мен кўзим лўқ.
Қанча кутсам, трамвай,
Автобусдан дарак йўқ.

Бир ўй келар миямга:
Шофёрлар йўқ-ку, ахир?
Кута-кута, мактабга
Яёв кетаман охир.

Мактабда ҳам йўқ ҳеч зоғ,
Парталарни босган чанг.
Синфга кирганим чоғ
Фирчиллар эшик, қаранг.

Ўйлайман бўлиб хуноб,
Хўш, ўқийман ким учун?
Қимга бераман жавоб,
Ким мендан бўлар мамнун?

Қайда дилга ҳарорат,
Кўзларимга нур-зиё,
Менга ҳамроҳ, ҳамсуҳбат
Бўлган чин дўсту ошно?

Йўлига боқиб саҳар,
Кутай кимни интизор?
Бўлмаса дўст, биродар,
Яшашдан не маъно бор?

Сиқилиб сукунатдан
Отиламан кўчага.
Кўчалар ҳақиқатдан
Ўшар жимжит кечага.

Юраман бош оққанча...
Нон дўконлар ҳам бўм-бўш.
Қорин ҳам очди анча,
Нима қилсам энди, хўш?

Менга ҳар кун қаймоқлар
Ҳам келтирган иссиқ нон,
Ўша ғамхўр одамлар
Кетишдийкин қай томон?

Кўчанинг ўртасидан
Бораман ўзим якка.
Боқаман ойнасидан
Шип-шийдон универмагга.

Энди не кечар ҳолим,
Ким тикиб берар кўйлак?
Совуқ тушса пальтони
Ким олар мени ўйлаб?

Ўйлар эдим бу дамда
Бунча тор экан дунё?
Ўйламовдим оламда
Қоламан деб мен танҳо.

Қайдасиз, эй, одамлар,
Сизсиз юрак жим, беҳуш...
Ўйғониб қолдим.
Урра!
Кўрганларим экан туш.

ШАПАЛОҚ ЕДИМ

Ойим ишдан келган дам,
Сир бой бермай дер акам:
— Тер тўкиб, ишлаб роса,
Ойижон, ювдим коса...
Тугатмасдан сўзин у,
Ойим мақтаб кетди-ку!
— Яша, раҳмат Қувноғим,
Меҳнатсевар, оппоғим.
Сўнг дерлар менга боқиб:
— Сен нима қилдинг Ёқуб?
— Мен ҳам турмай бекор, бўш,
Қилиб қўйдим талай иш.
Ойи, ҳатто демай «ғинг»,
Қосаларнинг синиғин
Йиғиштириб олганман,
Яхши бола бўлганман.
— Қуриб кет-е, қилмай иш,
Қилган ишинг ғирт ташвиш...
Коса синдирган Қувноқ,
Мен-чи, едим шапалоқ.

УЧ ОВЧИ

(Халқ юмори асосида)

Бутазорни оралаб,
Ҳар томонга мўралаб
Борар эди уч одам,
Овчидир учови ҳам.

Биринчи одам, қаранг,
Экан бутунлай гаранг.
Иккинчиси бақалоқ,
Чап оёғи-чи, оқсоқ.

Учинчиси эмас ёш,
Тепакал ва тақирбош.
Дўстларига ташлаб кўз,
Гаранг деди бошлаб сўз:

— Қаердадир... шу чоғда,
Бўри увилламоқда...
— А,— деди шошиб оқсоқ,—
Қочиб қолайлик тезроқ.

Келгандай худди ажал,
Қўрқиб кетди тепакал:
— Нима деяпсан, ука?
Сочларим бўлди тикка!

ЮРАК ВА КҮЗ

Шундай кўзлар кўрдимки,
Порлар, қуёшга ўхшар.
Шундай кўзлар кўрдимки,
Бақраяр, тошга ўхшар.

Йўқ дейсизми оламда
Очиғу икки кўзи,
Қоқилар ҳар қадамда
Довдираб, билмай ўзин.

Юрагинг бўлсин очиқ,
Бўл доим уйғоқ, сергак.
Кўзлардан ҳам олдинроқ
Кўрар ва сезар юрак.

Кўз-чи, юракка кўзгу,
Юракда бўлса не гап,
Шодликми ёки қайғу
Кўзда акс этар порлаб.

Юрак яшнаб кулмаса,
Енарми кўзда оташ?
Юрак дардга тўлмаса,
Кўзлардан келарми ёш?

Кўзлар алдар доимо,
Кўзлар қилар шамғалат.
Ишонаман юракка,
Юрак алдамас фақат.



О Ҳ У

Ел ҳам эсмайди ҳатто,
Атроф жимжит, осуда...
Нега охужон, аммо,
Яшайсан сен қўрқувда?
Чўчиб, бўлиб хавотир
Чопаяпсан қаёққа?
Кенг-ку даралар, ахир,
Сиямайсанми ё тоққа?
Тоғлар қандай чиройли,
Боқ, охужон тўйгунча.
Юр, ўтлоқда кезайлик,
Айт-чи, қўрқоқсан бунча?
Ана, ям-яшил майса,
Мана бу — зилол булоқ.
Яна нима истайсан
Мақсадингни айт, ўртоқ?
Тилга кириб дер оху:
— Гарчи тоғлар бепоён.
Гарчи мўлдир майса, сув...
Аммо дилимда армон.
Хавотирланмайин нечун,
Нега босмасин қайғу?
Овчининг ўқи ҳар кун
Дилимга солар қўрқув.



АЧИНИШ

(Ҳайвонот боғида)

Акам мени туртиб дер:
— Кўрдингми, анави Шер.
Ҳайвонларнинг энг зўри...
Ачиндим уни кўриб.
Йўқ бир тайин юмуши,
Йўқдир ғами-ташвиши.
Мудроқ кўзларин очиб,
Боқар хаёли қочиб.
Иши йўқ олам билан,
На хафа у, на хурсанд.
Тонг отса ҳам бари бир,
Кун ботса ҳам бари бир.
Акам дер: — Ҳатто қушлар
Меҳнат қилиб, дон тишлар.
Бўлса ҳам қанча кичик
Бекор юрмайди кучук.
Уйдаги қора бароқ
Эмас-ку, текин томоқ.
Шер бўлса-да, кучли, зўр

Ётиб ейишини кўр.
— Бўшатишса қафасдан,
Ака-чи, бир нафасда
Ер титратиб, бўкириб,
Қалдироқдай ўкириб,
Кўрсатиб шерлик кучин
Қилади остин-устун.
— Йўқ, бормайди ҳеч ёққа,
Кетолмайди узоққа.
Ўрганиб қолган шунга,
Ишонавер, ҳа, менга.
Бўлса-да, ҳар қанча куч,
Ҳаракатсиз бекор, пуч.
Ётавергач, охири
Йўқолган ғазаб, қаҳри.
Қурашиб яшашдан, бил,
Қафасни кўрар маъқул.
Одамдан кутиб қарам,
Яшайди бўлиб қарам.



КЎЗОЙНАКСИЗ ҚУЁНЛАР

— Қанча кўп сабзи еса,
Кўз шунча бўлар ўткир,
Ака, шу гап тўғрими,—
Деб сўрар укам Ўткир.
— Қуёнлар сабзига ўч,
Буни яхши биласан.
Қуёнларнинг кўзойнак
Таққанин кўрганмисан?

БЎРИ — МЕҲМОН

Бирдан эшик тақиллаб,
Бўри келди лақиллаб:
— Салом, салом Тулкихон,
Келгандим бўлиб меҳмон.
Тулки кўрпача ёзиб,
Дер: — Кепсиз озиб-ёзиб.
Сўраб олай ҳар қалай.
Қанақа овқат қилай?
Ёқарми қозон кабоб,
Ё, сувли сергўшт жаркоп?
Ёки димласам товуқ,
Бўларми дейман тансиқ?
Бўри бўлади ҳайрон:
— Биттами сизда қозон?

СЕНИ ДЕБ...

— Нега айтинг, гулзорларда
Очилар чаман гуллар?
Нима деб тонг саҳарларда
Сайрар тинмай булбуллар?

— Гул очилар, кўрганигда
Кўзларинг қувнасин, деб.
Булбул сайрар, эшитган чоғ
Завқ-шавқинг қайнасин, деб.

Тоғдан эриб тушар қорлар
Ташнангни қондирай, деб.
Лолазорлар яшнар, порлар
Дилингни ёндирай деб.

Кўкда кулиб қуёш бобо
Шуъла сочар йўлингга.
Қундан-кунга ўсар ниҳол
Бол тутай деб қўлингга.

Қувна, ўйна, эй, болажон,
Сени кафтда тутар ер.
Қирлар, боғлар сени кутар,
Бутун борлиқ, сени дер.

НА ХАФАМАН, НА ХУРСАНД

— Чекканмишсан папирос.
Бу гап ёлғонми ё рост?
Дадам беради савол,
Эйижоним дер дарҳол:
— Наҳот сизни алдаса,
Билмай чеккан, адаси.
Оро кириб жонимга,
Ойим тушар ёнимга.
Қуймоқчи бўлгандим чой,
(Ишонмассиз ҳойнаҳой.)
Қўлимдан тушиб чойнак,
Бўлди роса тўрт бўлак.
— Лалаясан сен доим, —
Уришиб берар ойим.
— Бўпти энди бўлар иш,
Не керак шунча койиш?
Оро кириб жонимга,
Дадам тушар ёнимга.
Қилсам ҳам нима гуноҳ,
Кўрқмайман сира, мутлоқ.
Келса дадамнинг қаҳри,
Ойимнинг эрир меҳри.
Ойим бўлганида чап,
Дадам айтар ширин гап.
Дадам жеркса эрталаб,
Ойим севар эркалаб.
Қарабсиз шунинг билан
На хафаман, на хурсанд.

ТОШБАҚА — ПОЧТАЛЬОН

Тошбақа бўлар шодон:
— Мен — почтальон, почтальон.

Айиқ тоға, ҳой, шошманг;
Ҳайвонот боғдан хат, манг.

Айиқ бўлади диққат:
— Бу ахир бултурги хат!

Шунда дейди Тошбақа:
— Бақирманг-да, бунақа!

Хатни эртами ё кеч,
Келтирмай қўймайман ҳеч!

Сира қочмайман ишдан,
Югуришдан, елишдан!

Илтимосим, сиз фақат,
Бўлманг диққат, бетоқат.

ТУРНА ВА СИРТЛОН

(Масал)

Илк бор Турнани Сиртлон
Кўрдию бўлди ҳайрон:
— Қараб турсам қизиқсан,
Айт-чи, қандай махлуқсан?
Ҳайвондир, десам зотинг,
Бордир икки қанотинг.
— Мен қушман, отим — Турна,
— Қушман дейсан-а, яна.
Ухшамайсан қушга ҳеч,
Дўстим, бу даъводан кеч.
— Бундай дединг не учун?
— Тумшуғинг жуда узун!

На қушу на ҳайвонда,
Э, тавба, ҳеч замонда
Кўрмовдим бундай оёқ,
Оёқми ёки таёқ?
Эшитиб бундай таъна,
Индамай қолди Турна.

* *

*

Ажабланмай бу гапга,
Дедим:— Тушунарли, бас!
Ҳаммани бир қолипга
Солувчилар йўқ эмас.

ИККИ ИТ

(Масал)

Қўшним ити Олапар
Қимни кўрса ҳар сафар

Вовиллар кетгунча то,
Инидан чиқмас аммо.

Ўғри уйни урса ҳам,
У вовиллар хотиржам.

Тонгдами ё оқшомда
Вовиллар бир маромда.

Бор бошқа қўшним ити,
Бўрибосардир оти.

Ғалати одати бор,
Вовиллаб қилмас безор.

Зимдан пойлаб узоқдан,
Шартта олар оёқдан.

* *
 *
 *

Қани, ўзинг айт, ўртоқ,
Қайси бири хавфлироқ?

ДЕЙМАН, ЭНДИ КЎРМАСАМ

Уни қилардим ҳурмат,
Санардим доно, зукко.
Қани, қилсам бир суҳбат,
Деб юардим доимо.

Кутилмаганда, бирдан
Ушалиб қолди орзу.
Бир синфда биз билан
Бирга ўқир энди у.

Бирга юрамиз доим,
Тинглайман гап-сўзини.
Эшитиб ҳайрон бўлдим:
Баланд олар ўзини.

Ўзгарилар дамо-дам,
Менсимас ўртоғини.
Тоймасди ёлғондан ҳам...
Билмасдим буёғини.

Не қилай, партадошим,
Сўзласа, қотар энсам.
Роса қотди-ку, бошим,
Дейман, энди кўрмасам.

Қанча сирлашган сари
Тушунолмай мен ҳайрон.
Кетяпман ундан нари
Ўлтирсак-да ёнма-ён.

БИРОВГА ТУТМА ОСОН

(Масал)

Зарғалдоққа дер Қуён:
— Сенга маза, ўртоқжон.
Баланд шохга қўйиб ин
Ултирасан олиб тин.
На тулки-ю, на бўри
Қуритмас сени шўринг.
Шитирласа бир япроқ
Бизни-чи, босар титроқ.
Ваҳма тушиб юракка,
Бекинамиз ковакка.
— Осмонда яшасам ҳам,
Ерда ахир насибам.
— Бироқ, агар келса ёв,
Учиб қоласан дарров.
— Тўғри, учсам осмон кенг,
Доим ҳушёрман, лекин.
Қузғунми ёки бургут,
Солмасин дейман човут.

* *
*

Хоҳи қуён, хоҳи қуш,
Ҳаммасида бир ташвиш.
Ҳаётда, оғайнижон,
Ҳеч кимга тутма осон.

ЁЗ ҚУЧОҒИДА

Борлиқ менга очмоқда қучоқ,
Қучоқ очар менга сахий ёз.
Мен маҳлиё тутаман қулоқ,
Табиатда минг битта овоз.

Қим англайди, тинмай кунбўйи,
Митти қушлар не деб куйлайди?
Гул чаманда таратиб бўйин,
Қим биледи, не деб сўйлайди?

Шамоллар-чи, гўлдирар фақат,
Бола каби қийқиради гоҳ.
Шамоллар ҳам қизиқ, аломат
Гоҳ жим қолар,
Гоҳ тортар оҳ.

Ана, ичга сиғмасдан кучи
Сувлар тошиб келар қирғоққа.
Билолмайман, не деб, не учун
Қирғоқларни тутар сўроққа.

Мирзатерак ҳам сув бўйида
Ундов каби турибди, кўринг.
Мажнунтолнинг не бор ўйида,
Нега қадди сўроқдир унинг?

Борлиқ менга очмоқда қучоқ,
Қучоқ очар менга сахий ёз.
Мен маҳлиё тутаман қулоқ,
Табиатда минг битта овоз.

ҚАЁҚДАН БИЛАЙ?

(Масал)

Михга сўзлайди тахта:
— Дўстим, етар, бас, тўхта!
Зирқираб жоним оғрир,
Инсофинг борми ахир?
Яра қилиб юзимни,
Чиқардинг-ку, кўзимни?
Берасан бунча азоб,
Борми бир мақсад, сабаб?
Мих дер: — Гапингни қара,
Буни Болғадан сўра.
Мен қаёқдан билайин,
Тасаддуғинг бўлайин.
— Жонимга солган қийноқ
Болғамас, сен-ку, ўртоқ?
Дудуқланиб мих эсиз,
Очолмай қолди оғиз.

* *
*

Михга ўхшаганлар хўп,
Ҳаётда учрайди кўп.
Фойдалими, бефойда
Уйлаб кўриш эҳ, қайда?
Буюришса бас, етар,
Пилдираб, чопиб кетар.

ТИЛГА КИРАР ТАБИАТ

Деманг, осмонни бўшлиқ,
Унда қанча жилва, ранг.
Офтобдан оқар оҳанг,
Осмон куйлайди қўшиқ.

Деманг, мудраб ётар кўл,
Шамол эсса авжланиб.
Кўл ўйнаса, мавжланиб,
Боқиб орзиқмас қай дил?

Йўқ, йўқ, гуллардан ҳидмас,
Таралади наволар.
Хушбўй-хушбўй садолар
Дилда ёқмасми ҳавас?

Қим дер, тоғлар — бетуйғу,
Бир умрга тош қотган?
Тоғлар хаёлга ботган,
Дилида не-не орзу?

Ҳар нарса сирли, қизиқ,
Тилга кирар табиат...
Тингланг, куйлар сукунат,
Боғлардан келар қўшиқ.



ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

(Сюжети «Мурзилка» дан)

Бақириб митти Қуён,
Ҳаммага қилар эълон:
«Эшитмадим деманглар,
Боринглар, тез ҳамманглар.
Ўрмонда зўр, ягона
Очилди сартарошхона».
Сочини олдириб Шер:
— Зап маза иш бўлди. — дер.
Айиқ олдириб юнгин,
Бўлди ихчам ва енгил.
Кўриб типратиконни,
Тулкининг яйрар жони:
— Бунча сен хунук, қўпол.
Мўйингни олди дарҳол!
Қайтармассан гапимни,
Уйлайман-да, нафингни!
Типратикон дер: — Раҳмат.
Бердинг яхши маслаҳат.
Қадимдан қолган мақол.

«Ҳар каллада ҳар хаёл».
Сўзингга кирсам агар,
Қимга зўр, кимга зарар?
Ёнингга келиш кейин
Бўлиб қолмасин қийин...

*

* *

Қириб ҳар ким сўзига,
Жабр қилма ўзингга.

ХУШ, УЗИНГ-ЧИ?

— Хўп, қизиқ бола Жаббор,
Бўламан, дер дурадгор.
Ўзи-ку, юрар аранг,
Қўнгил экан-да, қаранг.
Ёғоч йўниб эрта-кеч,
Ишдан бош кўтармас ҳеч.
Қўлини чошиб анқов,
Боғлаб юрувди тунов.
Ўтган куни тегиб ёўла,
Боши бўлувди ғурра.
Уста бўлиш, эҳ, қайда
Уринади бефойда.
— Менга қара, ҳой, Шавкат,
Нима деяпсан, уят!
Қим тинмас, қилар меҳнат
Қоқилар, чекар заҳмат.
Янглишса биринчи гал,
Бўлдими масала ҳал?
Бунча чучмалдир сўзинг,
Хўш, ўзинг-чи,
Хўш ўзинг?
Икки қўлинг чўнтакда,

Завқинг борми юракда?
Кунбўйи юриб бекор,
Меҳнатдан қиласан ор.
Бир четга чиқиб фақат,
Кузатиш сенга одат.
Дейсан: «Ўзим энг доно,
Қилмайман сира хато».
Бўлмагач бирор ишинг,
Мумкинми янглишишинг?
Бир чеккада серрайиб,
Дейсан ҳамма серайиб.

*

*

*

Биров ишлар эрта-кеч,
Унга гап тегар ҳар чоқ.
Биров-чи, ишламас ҳеч
Доим бенуқсон, «оппоқ».

ОЧКУЗ ВАРТАН

(С. Михалковдан)

Қўй терисин келтириб Вартан
Учрашди мўйнадўзга:
— Шу теридан ажойиб қалпоқ
Тикиб берсангиз бизга.
— Майли, — рози бўлди мўйнадўз
Боқар экан терига.
— Икки дона чиқмайдими-а? —
Дер Вартан боқиб ерга.
— Майли, тикай иккита қалпоқ.
— Учта-чи?
— Учтами, майли!
— Балки, тўртта тикарсан, ўртоқ?
— Хўп, майли.
— Бешта тиксанг...
— Майли, на чора.
Бештага кўнсанг зора.
— Олтита ҳам тиколасанми?
— Тиколаман, истасанг агар!
— Еттита тик, илтимосимнинг
Бу сўнггиси муқаррар!

Бир кун ўтгач қалпоғин сўраб
Келди қишлоққа Вартан.
Мўйнадўз ҳам етти қалпоқни
Териб қўйди бир четдан.
— Наҳотки, бу менинг буюртмам?—
Кўриб қичқирди Вартан.
Менга қалпоқ бичган-да, ошнам,
Маст эдингми ё чиндан?

Айт, буларни нима қиламан,
Керак эмас мутлақо.
Кўнгил учун бирортаси ҳам
Бошимга сиғмас ҳатто.

Мўйнадўз ҳам бўш келмас бироқ:
— Буюргансиз-да, тақсир!
Бир теридан етти қалпоқ
Тикиб бўларми, ахир?

ТАСҚАРА ҚУШ, МАСХАРА ҚУШ

(Э р т а к)

Энг чиройли тасқара
Нега бұлган масхара?
Сабаби қизиқ бешак,
Тингланг шу ҳақда эртак.

*

* *

Кеч кирар, тонглар отар,
Тасқара тошдай қотар.
Текин ўлжани пойлаб,
Ўтирар ҳатто ойлаб.
Бўйнин эгиб туради,
Бўйнин эгиб юради.
Тоғ-тошларни оралаб,
Уясидан мўралаб.
Олайтириб кўзини,
Мақтар доим ўзини:
— Хўш, Бургутдан нимама кам?
Ортиқ қад-қоматим ҳам.
Лекин чекиб машаққат.
Жон койитмоқ на ҳожат?
Майли, бўлмасин тирик,
Топилар бир ўлимтик.
Йиртқич билан олишиб,
Юраманми солишиб?
Чарчамасин қанотим,
Тинчроқ ўтсин ҳаётим,

*

* *

Тулки кўриб бир кунни,
Деди: — Бир боппай уни.

Қуш гўшти ширин бўлар,
Бугун бир бахтим кулар.
Уч-тўрт кунли овқат-ку,
Ётиб ейман, роҳат-ку!
Шошма ҳали, дангаса,
Доғда қолдирай роса.
Йўлга узала ётди,
Қимирламай тош қотди.

* * *

Бесўнақай тасқара
Атрофга қарай-қарай,
Тулкига тушди кўзи
Ва шундай бўлди сўзи:
— Вой, бечора тулкижон,
Тиним билмасдинг бир он.
Шўринг қуриб, излаб ов
Охир томон бўпсан-ов.
Шу ташвишли олам деб,
Уйим, бола-чақам деб,
Тўрт томон югурдинг сен.
Меҳнат қилмай мана мен
Улжага бўлдим эга,
Севинмайин хўш, нега?
Тасқара аста, шошмай
Чўқимоққа бўлиб шай.
Келди тулки қошига,
Тулки унинг тўшига
Солиб қолди бирдан чанг,
Қизиди роса ҳам жанг.
Патларидан айрилиб,
Қанотлари қайрилиб.
Қочиб, қутулди аранг,
Тасқаранинг ҳоли танг.
Ким излар текин томоқ,
Аҳволи бўлар шундоқ.

ГАП БОШҚАЮ, ИШ БОШҚА

(Арман ривояти асосида)

Уйланиб кекса сичқон,
Деди: — Ҳолимиз ёмон.
Барча сичқонни тўплаб
Бошлади шунақа гап:
— Биласиз, Мушук полвон
Бизга кун бермас ҳамон.
Қилмасак чора, тадбир,
Улиб кетамиз, ахир.
Ҳар томондан сичқонлар,
Мушуквойни ёмонлар.
— Бериб хўп унинг додин,
Қуритиш керак зотин.
— Чироқдай ёнган кўзин
Уйиб ташламоқ лозим.
— Думига боғлаб челак,
Бадарға қилиш керак.
Ҳамма сўйлади бир-бир,
Бир сичқон деди охир:
— Гапингиз тегар тишга.
Энди ўтайлик ишга.
Мушук бўйнига тезроқ
Осиш керак қўнғироқ.
Мушуквой агар юрса,
Аста жаранглаб турса,
Келаяпти, дея, ёв,
Қочиб қоламиз дарров.
Ана шунда, эмас сир,
Яшаймиз бежавотир.
Ҳамма дер: — Яша, ўртоқ,
Гап бўпти мана бундоқ.
Шунда дер кекса сичқон:
— Фикринг эмас-ку ёмон,

Хўш, бу ишни қилар ким?
Ҳамма бўлиб қолди жим.
Ҳар ким баҳона излар,
Қочиб қолишни кўзлар.
Шу пайт қайдандир биров.
Дегандек бўлди «миёв».
Чийиллаб барча сичқон,
Югуришди ҳар томон.

* * *

Баъзилар уста гапга,
Иш десанг қочар чапга.



ШИРИН НОН

(Эртак)

Очликдан қуриб шўри,
Кунбўйи изғиб Бўри,
Юриб бош оққан ёққа,
Бориб қолди ўтлоққа.
Боқса, деҳқон олиб дам,
Ётибди кавшаниб ҳам.
Бўри дер бўлиб ҳайрон:
— Не еяпсан, ҳой, деҳқон?
Қорним оч, менга ҳам бер,
Деҳқон: — Нон бу, егин, — дер.
— Вой, нонинг бунча ширин?
Ургат топишининг сирин.
Изғиб тун-кун ўрмонда
Юраманми армонда?
Йўқ экан ҳеч омадим,
Айтсам сенга ҳасратим.
Бир кун тўқман, бир кун оч,
Қувди, қувди «қоч, ҳой, қоч».
Қайда бор бирор емиш,
Деб ҳалакман ёзу қиш.
Тотдим чўпон таёғин:

Синди орқа оёғим.
— Агар чин бўлса аҳдинг,
Урганиб олсанг — бахтинг.
Бир ўзим экиб, чошиб,
Еяпман нонни топиб.
Эҳтимол, икки шерик
Қилармиз деҳқончилик.
Сенга нон топиш йўлин
Ургатаман, бер қўлинг.
Ишга киришиб тезда,
Ерни ҳайдаймиз кузда.
Бўри дер бўлиб шодон:
— Сўнг ейманми ширин нон?
— Нима деяпсан ўзи?
Ер етилар қиш кези.
Қор, ёмғир сувин ичиб,
Хамирдай тошиб, бўкчиб,
Келганда кулиб баҳор,
Тупроқ ҳам бўлар тайёр.
— Нонни ейман-а, энди?—
Бўри шод, хурсанд деди:
— Экмасдан ҳали донни,
Қандай қиб ейсан нонни?
— Ҳа, тушундим, эксам дон,
Униб чиқар ширин нон?
— Нон эмас, ўсар буғдой
Товланиб, ёниб чўғдай.
Етилиб пишгач бошоқ
Ишга туш, бошла ўроқ.
Бўри ялаб лабини,
Қаранг, айтган гапини:
— Ўзим ҳам кутдим роса,
Энди нон ейман, маза.
— Бунча шошмасанг нодон,
Ҳали сенга қайда нон?

Жавдарни қилиб ғарам,
Қуритиб қўй аввалам.
— Сўнг, нон тайёр дегин, зўр,
Уни ейишимни кўр!
— Йўқ, йўқ, бўлма шошқалоқ,
Аввал сен янчгин бошоқ.
Дон тайёр.
Уни ортиб,
Тегирмонга бор тортиб.
Ана, унни қоплаб ол,
Уйингга элтгин дарҳол.
Ўтиргину хамир қор,
Оловни ёқиб юбор.
Тандир-тандир иссиқ нон,
Тортинмагин ол, меҳмон!
Энди билдингми сирин,
Нон бўлар нечун ширин?

Бўри деди: — Нон ейиш
Экан-ку роса ташвиш?
Меҳнати экан оғир,
Қандай чидайман, ахир?
Нонингни кутиб-кутиб
Кетаркан умр ўтиб.
Ўлмаган сени жонинг,
Ўзингга сийлов нонинг.
Менда етмайди тоқаг,
Ишлашимга йўқ ҳожат.
Мен зўрман,
Етар кучим,
Тер тўкай, ишлай нечун?
Қийнамасдан ўзимни,
Ейман эчки, қўзини.
Менга моси экан ов,
Қондиргум нафсим дарров.

Бўри кетди ўрмонга,
Деҳқон дала томонга.

* * *

Кўп фурсат ўтмасданоқ
Битди товушдан қулоқ.
Деҳқон дер: — Ўқ овози,
Эди ўзи норози.
Меҳнатга бўлмай тоби
Тўғри бўпти суроби.

КИМ КАТТА?

(Эртақ)

Атроф тақир чўл эди,
Кета-кетган йўл эди.
Қўй, така, туя — учов,
Излашар яшил яйлов.
Туя — бошлиқ, йўл бошлар,
Қўй ортда қадам ташлар.
Қўринмас бир гиёҳ ҳам,
Қўй деди:— Олайлик дам.
Юравериб эрта-кеч,
Дармоним қолмади ҳеч.
Тепа ортида шу вақт
Қўринди битта дарахт.
Дарахт тагида эса
Ўсиб ётар ўт-майса.
Туя шод бўлиб, шунда
Деди:— Дўстлар, гап бундай,
Ўт-ку, ўзи бир тутам,
Етар, ахир, кимга ҳам?
Ичимизда ким катта,
Ўша еб олсин шартта.
Қаттага керак ҳурмат,
Хўш, маъқулми маслаҳат?
Така дер қилиб қуллуқ:
— Ичингизда мен улуг!
Қарасангиз гар ёшга,
Бу йил кираман бешга.
Гапин бўлиб деди Қўй:
— Оғайни, бу гапни қўй!
Менинг олдимда, бешак,
Сен-чи, ҳали бир гўдак.
Қаттани қилсанг ҳурмат,

Меники бу ўт-кўкат.
Не деркин Туя полвон,
Деб боқишди у томон.
Оғзин тўлдириб туя,
Майсани кавшар, ия!
Ўтдан кўтармай бошин,
Деди: — Нечада ёшим,
Сўрашга борми ҳожат?
Ортиқ менда куч-қувват,
Улкан менинг қоматим,
Бошлиқман, зўр савлатим.
Шундай бўлгач албатта,
Ичингизда мен катта.
Қани, нима дейди ким?
Така ва қўй турар жим.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ

СУҲБАТИ

(С. Маршакдан)

Нуқта қўйилди охир,
Мана,
Тугар жумла ҳам.
Тиниш белгилар бир-бир
Бир ерда бўлишди жам.
Етиб келди
Бир найнов,
Яъни, бу тиниш Ундов!
Сўзлар, қичқирар яланг,
Қулоқни қилиб батанг:
— Ура!
Қоч! Йўқол! Кет!
Ҳой, қоровул!
Ўғрини тут!
Судралиб келди шу дам
Қийшиқ бурун Сўроқ ҳам.
Саволга тутар шу он:
— Ким?
Кимни?
Қайдан?
Қачон?
Жингалак қиз Вергулой
Йиғинга берди чирой.
Хизмати унинг катта,
Яшар бекат, бекатда.
Сакрайди икки нуқта,
Етиб келар кўп нуқта...
Вергулой дер олиб сўз:
— Биз сизларга қошу кўз,
Биз этмасак ҳимоя,
Маъносиз шеър, ҳикоя.

— Агар тепамда нуқта,
Бўлмаса Вергул бир пул! —
Вергулли Нуқта хола
Гапин уқтирар нуқул;
Икки нуқта қисиб кўз,
Қичқирар: — Тўхта, ўртоқ!
Вергулли нуқтадан ҳам,
Вергулдан ҳам мен зўрроқ.
Бир кўзли нуқтадан-чи,
Зўрман икки баробар.
Икки кўзим хизматда,
Тартибга мен жавобгар.
— Йўқ... — дер кўп нуқта шунда
Пирпиратганча кўзин:
— Асли гап мана бундай,
Энг кераги мен ўзим.
Кимнинг гапи йўқ, ким лол.
Кўп нуқта қўяр дарҳол...
Сўроқ дер бўлиб ҳайрон:
— Бу, ахир, қанақа гап?
— Ҳа, шундай, — дейди нуқта,—
Гапни чўзиш не керак,
Мен-да тугайди суҳбат.
Энг муҳими мен, демак.



МУНДАРИЖА

Қандай гўзал бу олам	3
Яшаш завқи	4
Офтоб бобо	5
Болалар кулганда	6
Шухрат чизган суратлар	7
Яхшининг дўстлари кўп	8
Шамол — синов	9
Эртақларга ишониб	10
Она чумчуқ ва бола чумчуқ	11
Нозир — «ҳозир»	12
Интилиш	13
Айиқнинг хаёли	14
Денгиз ва шамоллар	15
Икки йўл	16
Қор нима дер?	18
Жирафанинг не учун бўйни узун	19
«Ақлли» ака	20
Нима ширин, нима аччиқ?	21
Полвонлар	22
Одобли бола	23
Куз офтоби	24
Қайдасиз, одамлар?	25
Шапалоқ едим	28

Уч овчи	29
Юрак ва кўз	30
Оҳу	31
Ачиниш	32
Кўзойнаксиз қуёнлар	34
Бўри меҳмон	34
Сени деб	35
На хафаман, на хурсанд	36
Тошбақа — почтальон	37
Турна ва Сиртлон	38
Икки ит	39
Дейман, энди кўрмасам	40
Бировга тутма осон	41
Ёз қучоғида	42
Қаёқдан билай?	43
Тилга кирар табиат	44
Эшитмадим деманглар	45
Хўш, ўзинг-чи?	46
Очкўз Вартан	48
Тасқара қуш, масхара қуш	50
Гап бошқая, иш бошқа	52
Ширин нон	54
Ким катта?	58
Тиниш белгиларнинг суҳбати	60

Толиб, Рауф.

Эшитмадим, деманглар: Шеър ва эр-таклар. [Кичик мактаб ёшидаги болалар учун].— Т.: Еш гвардия, 1983,—64 б

Талиб, Рауф. Не говорите, что не слышали...: Стихи, сказки.

Ўз2

Для младшего школьного возраста

На узбекском языке

РАУФ ТАЛИБ (ТАЛИПОВ)

НЕ ГОВОРИТЕ, ЧТО НЕ СЛЫШАЛИ...

Стихи, сказки

Редактор Х. Давронов

Раском И. Вахитов

Расмлар редактори Р. Зуфаров

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 1241

Босмахонага берилди 12. 10. 1982 й. Босишга рухсат этилди 2. 03. 1983 й. Формати 70×90¹/₃₂. № 1 босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,0. Шартли босма листи 2,34. Напир листи 2,13. Тиражи 10000. Шартнома 82—82. Вақоси 15. т. Буюртма № 46.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2- босмахона. Янгийул, Самарқанд кўчаси, 44.

Т 70802—25
356(04)—83 101 — 83 4803010102